7.1. Жамият уз устав фондини камайтиришга хаклидир, конун хужжатларда назарда тутилган холларда эса жамият у[3] иштирокчиларининг жамият устав фондидаги улушларининг номинал кийматини камайтириши ва жамиятга тегишли улушларини тулаш оркали устав фондини камайтириши шарт. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида устав фондининг микдори, жамиятнинг таъсис хужжатларидаги тегишли узгаришларни давлат руйхатидан утказиш учун хужжатларни такдим этиш санасидаги холатга кура белгиланган устав фондининг минимал микдоридан кам булиб колса, жамият уз устав фондини камайтиришга мажбур холларда жамият давлат руйхатидан утказилган санадаги холатга кура белгиланган устав фонди минимал микдоридан кам булиб колса, жамият узининг устав фондини камайтиришга хакли эмас.
7.2. Жамият барча иштирокчилари улушларининг номинал кийматини камайтириш йули билан жамиятнинг устав фондини камайтириши, жамият барча иштирокчилари улушларининг фоизини саклаб колинган холда амалга оширилиши лозим.
7.3. Жамият, конун хужжатларида белгиланган муддатларга унинг устав фонди тулик туланмаган такдирда, жамият узининг устав фондини амалда туланган микдоргача камайтириши хакида эълон килиши ва унинг камайтирилганлиги белгиланган тартибда руйхатдан утказиши ёки жамиятни тугатиш тугрисида карор кабул килиши лозим.
7.4. Агар иккинчи ва хар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин, жамият соф активларининг киймати, унинг устав фондидан кам булиб колса, жамият узининг устав фондини узининг соф активлари кийматидан ошмайдиган микдоргача камайтирилишини эълон килиши ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда руйхатдан утказиши шарт.
7.5. Агар иккинчи ва хар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин жамият соф активларининг киймати, жамиятнинг давлат руйхатидан утказилиши санасидаги холатга кура белгиланган устав фондининг минимал микдоридан кам булиб колса, жамият тугатилиши керак.
7.6. Жамият соф активларининг киймати конун хужжатларида белгиланган тартибда аникланади.
7.7. Жамият уз устав фондини камайтириш тугрисида карор кабул килинган санадан эътиборан уттиз кун ичида жамиятнинг устав фонди камайтирилганлиги, унинг янги микдори хакида жамиятнинг узига маълум булган барча кредиторларини ёзма равишда хабардор килиши, шунингдек кабул килинган карор тугрисида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон килиши шарт. Бунда жамият кредиторлари узларига хабарнома йулланган санадан эътиборан уттиз кун ичида ёки кабул килинган карор тугрисида хабар эълон килинган санадан эътиборан, жамият тегишли

мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда узлари курган зарарнинг урнини коплашини ёзма равишда талаб килишга хаклидирлар.
7.8. Жамиятнинг устав фондини камайтириш билан боглик таъсис хужжатларидаги узгартишларни давлат руйхатидан утказиш конун хужжатларида белгиланган тартибда, конун талабларига мувофик амалга оширилади.
7.9. Жамият уз устав фондини камайтириш ёки узининг тугатилиши тугрисида уч ойлик муддатда карор кабул килмаса, кредиторлар жамият мажбуриятларини муддатдан илгари тугатишини ёки ижро этишини ва узлари курган зарарнинг крпланишини талаб килишга хакдидир.

## 8. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШЛАР ГАРОВИ

8.1. Жамият иштирокчиси, жамиятнинг устав фондидаги узига тегишли улушни (улушнинг бир кисмини) жамиятнинг бошка иштирокчисига ёки жамиятнинг розилиги билан учинчи шахсга жамият барча иштирокчилари умумий йигилишида умумий овозлар сонинг оддий купчилик овози билан, кабул килинган жамият иштирокчилари умумий йигилишининг карорига биноан гаровга куйишга хаклидир. Уз улушини (улушининг бир кисмини) гаровга куйиш ниятида булган жамият иштирокчиси, иштирокчилар умумий йигилишида овоз беришда катнашмайди.

## 9. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИ (УЛУШНИНГ БИР КИСМИНИ) ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ОЛИНИШИ

9.1. Жамият узининг устав фондидаги улушни (улушнинг бир кисмини) олишга хакли эмас, конун хужжатларида назарда тутилган холлар бундан мустасно.
9.2. Жамиятни таъсис этиш жараёнида жамиятнинг устав фондига уз хиссасини белгиланган муддатда тулик микдорда кушмаган жамият иштирокчисининг улуши, устав фондига хисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкдан фойдаланиш хукуки, пул шаклидаги улуши, муддатида такдим этмаган жамият иштирокчисининг улуши жамият хисобига утади. Бунда жамият иштирокчисига улушнинг (мол-мулк жамият фойдаланишида булган муддатга) кушган хиссанинг кисмига мутаносиб равишдаги кисмининг хакикий кийматини жамият тулаши ёки жамият иштирокчисининг розилиги билан, унга худди шундай кийматдаги мол-мулк беришга мажбур.
9.3. Жамиятдан чикарилган ёки ундан чикиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга утади. Бунда жамият, жамиятдан чикарилган ёки чикиб кетган иштирокчига улушининг чикарилиш ёки чикиб кетиш санасидан олдинги, охирги хисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари буйича аникланадиган хакикий кийматини тулаши ёки жамиятдан чикарилган ёки чикиб кетган иштирокчининг розилиги билан унга худди шундай кийматдаги мол-мулкни бериши шарт.
9.4. Жамият устав фондидаги улушлар, жисмоний шахсларнинг меросхурларига ва жамият иштирокчилари булган юридик шахсларнинг хукукий ворисларига утади, иштирокчи юридик шахс булганда, жамият тугатилган такдирда, унинг кредиторлари билан хисоб-китоб тугатилганидан сунг, колган улуш жамиятнинг иштирокчилари уртасида таксимланади, жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхури томонидан мерос кабул килингунга кадар, вафот этган иштирокчининг хукуклари васиятномада курсатилган шахс томонидан, бундай шахс булмаган такдирда нотариус тайинлаган бошкарувчи томонидан амалга оширилади. жамият иштирокчилари улушининг утиши ёки таксимланишига розилик беришни рад этсалар, улуш жамиятга утади. Бунда жамият вафот этган жамият иштирокчисининг меросхурларига, ворисларига, кайта ташкил этилиш ёки тугатилиши кунидан олдинги охирги хисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида

аникланадиган улушнинг хакикий кийматини ёхуд уларнинг розилиги билан уларга худди шундай кийматдаги мол-мулкни бериши шарт.
9.5. Ундирувни жамият иштирокчисининг, жамият устав фондидаги улушига каратиш жамият томонидан, жамият иштрокчиси улушининг (улушини бир кисмини) хакикий киймати, унинг кредиторлари талабига биноан туланган такдирда, улушнинг хакикий кийматини жамият бошка иштирокчилари томонидан туланмаган кисми жамиятга утади улушнинг колган кисми жамият иштирокчилари уртасида улар кушган улушига мутаносиб равишда таксимланади.
9.6. Улуш (улушнинг бир кисми) жамият иштирокчиси, жамият томонидан олиниши тугрисида талабнома такдим этган, ёки хиссани кушиш муддати утган ёхуд товон берилган ёки иштирокчини жамиятдан чикариш тугрисидаги суд карори конуний кучга кирган ёки жамиятнинг исталган иштирокчиси, улушнинг жамият иштирокчиси булган жисмоний шахсларнинг меросхурларига, ворисларига утишга ёхуд унинг жамият иштирокчиси булган, тугатилган юридик шахснинг иштирокичлари уртасида таксимланишига розилик беришни рад этган ёки жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир кисмининг) хакикий Киймати унинг кредиторлари талабига биноан жамият томонидан туланган пайтдан эътиборан жамиятга утади. Улуш (улушнинг бир кисми) жамиятга утган пайтдан эътиборан бир йил ичида, жамият улушнинг (улуш бир кисмининг) хакикий кийматни тулаши ёки худди шундай кийматдаги мол-мулкни асли холида бериши шарт.
9.7. Улушнинг (улуш бир кисмининг) хакикий киймати, жамият соф активларининг киймати билан унинг устав фонди микдори уртасидаги фарк хисобидан туланади. Агар бундай фарк етарли булмаса, жамият узини устав фондини етишмаётган суммага камайтириши шарт.

## 10. ЖАМИЯТГА КАРАШЛИ УЛУШЛАР

10.1. Жамиятга карашли улушлар жамият иштирокчиларининг умумий йигилишида овоз бериш натижаларини аниклаш, шунингдек жамият тугатилган такдирда унинг фойдаси ва мол-мулки таксимланаётганда хисобга олинмайди.
10.2. Жамиятга карашли улуш, жамиятга крнун хужжатларида белгиланган тартибда жамият ишитрокчилари умумий йигилишининг карорига биноан, жамиятнинг барча ишитрокчилари уртасида уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда таксимланиши ёхуд жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига, учинчи шахсларга сотилиши хамда тулик туланиши керак. Улушнинг таксимланмаган ёки сотилмаган кисимнинг хаки жамиятнинг устав фондини тегишлича камайтирган холда туланиши керак. Улушни жамият иштирокчиларини улушлари мивдорлари узгарадиган тарзда жамият иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боглик узгартишларни жамиятнинг таъсис хужжатларига киритиш жамият иштирокчилари умумий йигилишининг карори асосида амалга оширади.
10.3. Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган узгартишларни давлат руйхатидан утказиш учун хужжатлар, улуш сотилган такдирда эса, жамият томонидан сотилган улушнинг хаки туланганлигини тасдикловчи хужжатлар хам юридик шахсларни давлат руйхатидан утказувчи органга жамият иштирокчилари улушларининг хакини тулаш якунларини тасдиклаш ва жамиятнинг таъсис хужжатларига тегишли узгартиш ва кушимчалар киритиш тугрисида карор кабул килинган кундан эътиборан бир ой ичида тавдим этилиши шарт.

## 11. УНДИРУВНИ ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИГА КАРАТИШ

11.1. Кредиторларнинг талабига биноан, жамият иштирокчисининг карзлари буйича ундирувни жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги улушига (улушининг

бир кисмига) каратишга карзларни коплаш учун жамият иштирокчисининг бошка мол-мулки етарли булмаганда факат суднинг карори асосида йул куйилади.

11.2. Жамият иштирокчисининг карзлари буйича ундирув жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги улушига каратилган такдирда, жамият кредиторларига жамият иштирокчиси улушини (улушини бир кисмини) хакикий кийматини тулашга хаклидир.

11.3. Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг, жамият барча иштирокчилари томонидан бир овоздан кабул килинган карорига биноан, мол-мулкига ундирув каратилган жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир кисмининг) хакикий киймати кредиторларга жамиятнинг колган иштирокчилари томонидан, агар жамият иштирокчилари умумий йигилиши карорида хак тулаш мивдорини аниклашнинг бошкача тартиби назарда тутилган булмаса, уларнинг жамият устав фондидаги улушларга мутанасиб равишда туланиши мумкин.

11.4. Жамият иштирокчисининг, жамият устав фондидаги улушининг (улуши бир кисмининг) хакикий киймати ундирувни жамият иштирокчисининг карзлари буйича унинг улушига (улушининг бир кисмига) каратиш тугрисида жамиятга талаб куйилган санадан олдинги охирги хисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида аникланади.

11.5. Агар жамият кредиторлари томонидан талаб такдим этилган пайтдан эътиборан уч ой ичида жамият ёки унинг иштирокчилари ундирув каратилган жамият иштирокчиси, бутун улушининг (бутун улушни бир кисмининг) хакикий кийматини туламасалар, ундирувни жамият иштирокчисининг улушига (улушининг бир кисмига) каратиш очик ким ошди савдосида сотиш йули билан амалга оширилади.

## 12. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ УРТАСИДА ТАЦСИМЛАШ

12.1. Жамият, йилнинг хар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта узининг соф фойдасини жамият иштирокчилари уртасида таксимлаш тугрисида карор кабул килишга хаклидир.

12.2. Жамият фойдаси унинг иштирокчилари уртасида таксимлаш учун мулжалланган кисми уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда таксимланади.

12.3. Жамият куйидаги холларда уз фойдасини жамият иштирокчилари уртасида таксимлаш тугрисида карор кабул килишга хакли эмас:

12.3.1. Жамиятнинг бутун устав фонди тулик тулангунга кадар;

12.3.2. Жамият иштирокчиси улушининг хакикий киймати тулангунга кадар;

12.3.3. Жамият карорни кабул килиш пайтида жамият конун хужжатларига мувофик банкротлик аломатларига жавоб берса ёки агар мазкур аломатлар жамиятда шундай карор кабул килиниши натижасида пайдо булса;

12.3.4. Жамият соф активларининг киймати, унинг устав фондидан ва захира фондидан кам булса ёки шундай карор кабул килиниши натижасида уларнинг микдоридан камрок булиб колса;

12.3.5. Конун хужжатларида назарда тутилган бошка холларда.

12.4. Жамият уз иштирокчилари *акцияни т*аксимланиши тугрисида карор кабул килинган куйидаги холларда жамият иштйрокчиларига фойдани тулашга хакли эмас:

12.4.1. Агар тулаш пайтида жамият конун хужжатларга мувофик банкротлик аломатларига жавоб берса ёки агар мазкур аломатлар жамиятда тулов натижасида пайдо булса;

12.4.2. Агар тулаш пайтида жамиятнинг соф активлари киймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам булса ёки тулаш натижасида уларнинг микдоридан камрок булиб колса:

12.4.3. К,онун хужжатларида назарда тутилган бошка холларда.
12.5. Жамият иштирокчиси улушининг хакикий киймати тулангандан сунг, жамият иштирокчилари уртасида таксимланиши тугрисида карор кабул килинган фойдани тулаши шарт.

## 13. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

13.1. Жамият иштирокчиси уз аризасига биноан жамиятдан чикиши ва узининг устав фондидаги улушини ёхуд унинг бир кисимни ушбу уставда назарда тутилган тартибда жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиши ёки узга тарзда уларинг фойдасига воз кечиши, ёхуд учинчи шахсларга утказиш хукукига эга.
13.2. Жамият бошка иштирокчиларининг розилигидан катьий назар жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вактда жамиятдан чикиши мумкин.
13.3. Жамият тугатилган такдирда кредиторлар билан хисоб-китоб килинганидан кейин колган мол-мулкнинг узининг киритилган улушига мутаносиб равишда кийматини ва фоизини олишга хакли.
13.4. Жамиятдан чикаётган иштирокчи, жамият фаолияти тугрисидаги сир тутилган ахборотларни ошкор килишга хакли эмас.

## 14. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

14.1. Жамият уз устав фондининг 15 (ун беш) фоизидан кам булмаган микдорда захира фондини вужудга келтириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди белгиланган микдорга етгунга кадар хар йили соф фойдадан ажратмалар ажратиш йули билан шакллантирилади. Хар йилги ажратмалар микдори белгиланган микдорга етгунга кадар соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам булиши мумкин эмас.
14.2.Жамиятнинг захира фонди унинг зарарларини коплаш ва жамият томонидан жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир кисмини) олиш учун ишлатилади.

## 15.ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХУКУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15.1.Жамият иштирокчиларининг хукуклари куйидагилардан иборат:
15.1.1.Жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошкаришда иштирок этиш;
15.1.2.Конун хужжатларда ва жамият таъсис хужжатларида белгиланган тартибда жамиятнининг фаолияти тугрисида ахборот олиш, бухгалтерия хужжатари ва бошка хужжатлари билан танишиш;
15.1.3.Фойдани таксимлашда иштирок этиш;
15.1.4.Жамиятнинг устав фондидаги уз улушини ёхуд унинг бир кисмни ушбу уставида назарда тутилагн тартибда жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки узга тарзда уларинг фойдасига воз кечиш;
15.1.5.Жамият бошка иштирокчиларининг розилигидан катьий назар, жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вактда жамитдан чикиш;
15.1.6.Жамият тугатилган такдирда кредиторлар билан хисоб-китоб килинганидан кейин колган мол-мулкнинг бир кисмини ёки унинг кийматини олиш.
15.2.Жами улушлари жамият устав фондининг камида ун фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари уз мажбуриятларини купол бузаётган ёхуд уз харакатлари (харакатсизлиги) билан жамитянинг фаолият курсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда кийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чикарилишга хаклидирлар.
15.3.Жамият иштирокчилари конун, конун хужжатларида ва жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган бошка хукуларга хам эга булишлари мумкин.
15.4.Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

15.4.1.Конун хужжатларда ва жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда микдоарда, усулларда ва муддатларда уз улушларини кушиш;
15.4.2.Жамият фаолияти тугрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор килмаслик;
15.4.3.Жамият иштирокчиларининг конун, конун хужжатларида ва жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган бошка мажбуриятларга эга булиши мумкин.

## 16. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИНГ БОШКА ШАХСГА УТИШ ТАРТИБИ

16.1 .Жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги уз улушини ёхуд унинг бир кисмини жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига, ёки учинчи шахсга сотишга ёки узга тарзда улар фойдасига воз кечишга хаклидир.
16.2.Жамият иштирокчисининг улуши тулик тулангунга кисмининг микдорини бошка шахс тассаруфига утказиши мумкин;
16.3.Жамият иштирокчилари жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир кисмини) учинчи шахсга таклиф килинадиган бахо буйича уз улушлари микдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли хукукдан фойдаланадилар. Агар жамиятнинг бошка иштирокчилари улушни (улушнинг бир кисмини) сотиб олишда узларининг имтиёзли хукукларидан фойдаланмаган булсалар, жамият узининг иштирокчиси гомонидан сотилаётган улушни (улушиниг бир кисмини) сотиб олишда имтиёзли хукукка эга булади.
16.4.Уз улушини (улушининг бир кисмини) учинчи шахс тасаруфига утказиш ниятида булган жамият иштирокчиси улушнинг микдори ва бошка шартларни курсатган холда бу хакда жамиятнинг колаган иштирокчиларини ва жамиятнинг узини ёзма равишда хабардор килиши шарт. Хабарнома жамият иштирокчиларига жамият оркали юборилади. Жамият иштирокчилари жамият сотиш учун таклиф килинаётган бутун улушни (улушнинг бутун кисмини) сотиб олишда имтиёзли хукукдан, шундай хабор берилган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаган такдирда улуш (улушнинг бир кисми) жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабор килинган бахоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.
16.5.Улуш (улушнинг бир кисми) сотиб олишнинг имтиёзли хукуки бузилган холда сотилган такдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим булган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг хукуклари ва мажбуриятларини узларига утказишни суд тартибида талаб килишга хаклидирлар. Мазкур имтиёзли хукукдан бошканинг фойдасига воз кечишга йул куйилмайди.
16.6.Улушни (улушнинг бир кисмини) жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабор килинган бахолар ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.
16.7.Жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир кисмини) сотишдан бошкача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун жамиятнинг ёки жамият колган иштирокчиларининг розилигини олиш зарур.
16.8.Жамият иштирокчиси устав фондидаги улушидан (улушнинг бир кисмидан) бошка шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Жамиятнинг устав фондидаги улушдан (улушнинг бир кисмидан) узганинг фойдасига воз кечиш буйича битимнинг ушбу уставида белгиланган шаклига риоя этмаслиги унинг хакикий эмас деб топилишига олиб келади.
16.9.Жамият иштиркчиси устав фондидаги улушидан (улушининг бир кисмидан) бошка шахснинг фойдасига воз кечилгани хакида, бундай воз кечишнинг далилларини такдим этган холда ёзма равишда жамиятни хабардор килиши лозим. Жамиятнинг устав фондидаги улушини (улушнинг бир кисмини) олувчи мазкур воз кечиш тугрисида жамиятни хабардор килинган пайтдан эътиборан жамият иштирокчисининг хукукларига ва мажбуриятларига эга булади.

16.10. Жамият иштирокчисининг устав фондидаги улушини (улушнинг бир кисмини) олувчига жамият иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир кисмидан) воз кечишига кадар юзага келган барча хукук ва мажбуриятлари утади.
16.11.Жамият иштирокчисининг устав фондидаги улуши жисмоний шахсларнинг меросхурларига ва жамиятнинг иштирокчилари булган юридик шахсларнинг хукукий ворисларига утади.
16.12.Жамият иштирокчиси булаган юридик шахс тугатилаги такдирда, унинг кредиторлари билан хисоб-китоб тугалланганидан сунг унга карашли улушнинг колган кисми, агар конун хужжатларида ёки тугатилаетган юридик шахснинг таъсис хужжатларида бошкача холат назарда тутилган булмаса тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари уртасида таксимланади.
16.13.Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхури томонидан мерос кабул килингунга кадар жамиятининг вафот этган ишитрокчиси хукуклари васиятномада курсатилган шахс томонидан, бундай шахс булмаган такдирда эса нотариус тайинланган бошкарувчи томонидан амалга оширилади.
16.14.Жамият иштирокчисининг Устав фондидаги улушидан (улушининг бир кисмидан) жамият иштирокчилари ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечиш, улушнинг (улуш бир кисмининг) меросхурлари ёки ворисларига утиши, ёхуд тугатилган юридик шахсни иштирокчилари уртасида улушини (улуш бир кисмининг) таксимланиши учун жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилган булса, агар жамият иштирокчиларига мурожаат этилган пайтдан бошлаб уттиз кун мобайнида жамиятнинг барча иштирокчиларидан бирортасидан розилик олинган булса ёки жамият иштирокчиларининг бирортасидан розилик беришга ёзма раддия олинган булмаса, бундай розилик олинган деб хисобланади.
16.15. Конун хужжатларда назарда тутилган холларда, жамиятнинг устав фондидаги улуш (улушнинг бир кисми) очик ким ошди савдоси оркали сотилганда, мазкур улушнинг (улуш бир кисмининг) олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан катъий назар жамиятнинг иштирокчисига айланади.

## 17. ЖАМИЯТ ХУЖЖАТЛАРИНИ САКЛАШ

17.1.Жамият, куйидаги хужжатларни жамият фаолиятининг жами муддати мобайнида саклаши шарт:
-жамиятнинг таъсис хужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган хамда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган узгартишлар ва кушимчалар;
-жамият таъсисчилари йигилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига кушиладиган пулсиз хиссаларнинг пул бахосини тасдиклаш тугрисидаги карорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боглик бошка карорларни уз ичига олган баённомаси;
-жамият давлат руйхатидан утказилганлигини тасдикловчи хужжат;
-жамиятнинг уз балансида турган мол-мулкка булган хукукини тасдикловчи хужжатлар;
-жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тугрисидаги уставлар;
-жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг баённомалари;
-жамият кузатув кенгашининг карорлари;
-аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
-конун хужжатларида назарда тутилган бошка хужжатлар.
17.2.Жамият ушбу Уставнинг 17.1.-бандида назарда тутилган хужжатларни унинг ижроия органининг жойлашган манзили буйича саклайди.

## 18. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА БОШКА ШАХСЛАРГА ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

18.1.Жамият иштирокчисининг, аудиторнинг ёки исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан жамият уларга жамиятнинг таъсис хужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган узгартиришлар билан, шунингдек жамият фаолияти билан боглик бошка ахборот билан танишиш имкониятини бериши шарт.

## 19. ЖАМИЯТНИНГ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ В А ФИЛИАЛЛАРИ

19.1.Ваколатхона, жамият турган ердан ташкарида жойлашган, жамият манфаатларини ифодалайдиган ва уларни химоя киладиган алохида булинмасидир.

19.2.Филиал жамиятнинг у турган ердан ташкарида жойлашган хамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир кисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алохида булинмасидир.

19.3.Ваколатхона ва филиаллар юридик шахс хисобланмайди. Улар жамият томонидан мол-мулк билан таъминланадилар хамда у тасдикланган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг рахбарлари жамият томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

## 20. ЖАМИЯТНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ТУГАТИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

20.1. Жамиятни кайта ташкил этиш, жамият иштирокчилари умумий йигилишининг карори биноан амалга оширилади.

20.2. Жамиятнинг кайта ташкил этиш кушиб юбориш, бирлаштириш, булиш, ажратиб чикариш ва кайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

4 20.3.Жамиятни кушиб юбориш уз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча хукуклари ва мажбуриятларини утказиш йули билан янги жамиятни ташкил этиш жамиятларнинг кушиб юборилиши деб эътироф этилади.

20.4.Жамиятни бирлаштирилиши, бир ёки бир неча жамиятни уларни хукуклари ва мажбуриятларини бошка жамиятга утказган холда тугатиш жамиятни бирлаштириш деб эътироф этилади.

20.5.Жамиятни булиш, унинг барча хукулари ва мажбуриятларини янгитдан ташкил этилган жамиятларга утказган холда тугатиш жамиятни булиш деб эътироф этилади.

20.6.Булиш шаклида кайта ташкил этилаётган жамият иштирокчиларининг умумий | йигилиши бундай кайта ташкил этиш тугрисида, жамиятни булиш тартиби ва шартлари | тугрисида, янги жамиятиларни ташкил этиш ва булиш балансини тасдиклаш тугрисида

5 карор кабул килади. Булиш натижасида тузилаётган хар бир жамиятнинг иштирокчилари таъсис шартномасини имзолайдилар. Булиш натижасида ташкил этилаётган хар бир жамият иштирокчиларини умумий йигилиши жамиятнинг Уставини тасдиклайди ва унинг органлари сайланади. Жамият булинганда унинг барча хукукулари ва мажбуриятлари булиш балансига мувофик булиш натижасида ташкил этилган жамиятларга утади.

20.7.Жамиятни ажратиб чикариш, кайта ташкил этилаётган жамиятни тугатмасдан унинг, хукук ва мажбуриятларини бир кисмини утказган холда бир ёки бир неча жамиятни ташкил этиш жамиятни ажратиб чикариш деб эътроф этилади.

20.8.Жамият конун хужжатларида назарда тутилган бошка ташкилий—хукукий шаклидаги тижорат ташкилоти этиб кайта тузилишга хаклидир.

20.9. Жамиятни тугатиш:

20.9.1.Жамият конун хужжатлари ва ушбу Устав талаблари ёки суднинг карорига биноан хам тугатилиши мумкин;

20.9.2.Жамиятни тугатиш, унинг хукуклари ва мажбуриятлари, хукукий ворисилик тартибида бошка шахсларга утмаган холда, фаолиятининг тугатилишига сабаб булади;

20.9.3.Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш хамда тугатувчини тайинлаш тугрисидаги карори, жамият кузатув кенгашининг ёки жамият директорининг таклифига биноан кабул килинади;
20.9.4.Жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши ихтиёрий равишда тугатилаётган жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш тугрисида карор кабул килади;
20.9.5.Тугатувчи тайинланган пайтдан бошлаб, жамият ишларини бошкариш буйича барча ваколатлар унга утади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади;
20.9.6.Жамиятни тугатиш тартиби конун хужжатлари билан белгиланади.
20.10.Жамият иштирокчилари уртасида юзага келадиган низолар музокаралар йули билан хал килинади, норози томон амалдаги конун хужжатларига асосан судга мурожаат килишга хакли.